

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИПОВА МАЛОХАТ ЛАТИПОВНА

**ПЕДАГОГ ШАХСИДА МАКИАВЕЛЛИЗМГА МОЙИЛЛИКНИ
ДИАГНОСТИКА ВА КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-
МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Саипова Малохат Латиповна

Педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва
коррекция қилишнинг илмий-методик имкониятларини
такомиллаштириш 3

Саипова Малохат Латиповна

Совершенствование научно-методических возможностей диагностики и
коррекции склонности к макиавеллизму в личности педагога 21

Saipova Malakhat Latipovna

Improvement of scientific-methodical potential of diagnostics and correction
of a teacher's inclination to machiavellianism 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИПОВА МАЛОХАТ ЛАТИПОВНА

**ПЕДАГОГ ШАХСИДА МАКИАВЕЛЛИЗМГА МОЙИЛЛИКНИ
ДИАГНОСТИКА ВА КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-
МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Psi15 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-falsafa@nuu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида www.ziynet.uz мазилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустам Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Туйчиева Саодат Меликузиевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент ислом университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.Psi.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; (99871) 246-02-24 e-mail:nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б. Шоумаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С. Сафаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида бугунги кунда ўқувчилар учун мукамал ўқув-тарбиявий, ижтимоий-маданий шароит яратишда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш масаласига долзарб муаммо сифатида ёндашилмоқда. Таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказишда педагоглар касбий маҳоратини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини ҳам илғор халқаро тажриба тасдиқлаб турибди. Бу борада, айниқса, педагог коммуникатив тайёргарликни ошириш етакчи йўналиш ҳисобланади. Зеро, «Дунёда ўрта ҳисобда 10–15% ҳолларда болаларнинг мактаб билан боғлиқ бўлган кўрқувлари ўқитувчи мулоқотидаги хато-камчиликлар сабабли юзага келади, айрим мамлакатларда бу кўрсаткич 40% гача етади»¹. Таъкидлаш керакки, таълим-тарбия жараёнида инсонпарвар муносабатнинг тўлақонли рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган энг жиддий омиллардан бири ҳам педагог шахсининг ўз фаолиятига психологик жиҳатдан тайёр эмаслигидир. Зеро, таълим-тарбия жараёни натижавийлиги айнан педагогнинг ўз касбий фаолиятини бажаришга интеллектуал ва маънавий, илмий-услубий ва индивидуал тайёргарлик даражаси билан тўғри мутаносибликка эга. Шу сабабли бугунги кунда таълим соҳасида педагог шахсида макиавеллизмга мойиллигининг ҳар қандай оқибатларини бартараф этишга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда таълим сифатини янада ошириш юзасидан замонавий талаблар асосида олиб борилаётган изланишлар педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва коррекция қилиш масалаларига қаратилмоқда. Шу жиҳатдан педагогик мулоқотда макиавеллизм аломатлари намоён бўлишининг хусусиятларини янада кенгроқ очиб бериш, педагог шахсида макиавеллизм даражасини аниқлашнинг мавжуд психодиагностика методикаларини такомиллаштириш, макиавеллизмга мойилликнинг намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳамда педагогларни психологик тайёрлаш самарадорлигини ошириш юзасидан устувор даражада илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилиб, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»². вазифалари белгиланган. Бугунги кунда амалга оширилаётган илмий-ташкилий чоралар таркибида, жумладан, ўқитувчининг психологик қиёфаси ва

¹ Медведева А.А. К вопросу о дидактогенном неврозе//Ученые записки Таврического национального университета. Серия «Философия. Культурология. Политология. Социология», 2010. №1. - С. 169.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ўқувчининг баркамол шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур тадқиқ этиш, деструктив таъсирнинг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарори 3-илоvasи – «Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низом»нинг ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Макиавеллизмни шахс хусусияти ва шахслараро муносабатлардаги устувор стратегия сифатида тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар тарихи катта даврни ташкил этмаса ҳам, хориж психологиясида ушбу ҳодисанинг турли жиҳатларини ўрганиш юзасидан салмоқли тажриба тўпланган. Хорижлик психолог тадқиқотчилар томонидан макиавеллизм ҳодисасини ўрганиш анъаналари (А.Д.Ларина, 2010; М.С.Егорова, 2009; D.S.Wilson, D.Near, R.R.Miller, 1996), макиавеллизмнинг ёш ва жинс хусусиятлари (Г.Г.Танасов, О.А.Сысоева, 2011; А.О.Руслина, 2008; А.В.Погодина, А.Д.Ларина, 2007; Д.Б.Катунин, 2005; J.W.McHoskey, 2001), индивидуал-психологик хусусиятлари (О.В.Каракулова, 2008; Л.И.Рюмина, 2005; О.В.Макаренко, С.А.Богомаз, 2005; D.L.Paulhus, K.M.Williams, 2002; P.E.Mudrack, 1990), касбий хусусиятлари (Т.М.Харламова, 2008; Е.Е.Богданова, 2007; J.J.Teven, J.C.McCroskey, V.P.Richmond, 2006; А.В.Бедненко, 2003), раҳбар ва лидер фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари (С.В.Беденко, 2008; Л.Н.Симунов, 2005), шахснинг ўзини ўзи англаши билан алоқасининг хусусиятлари (О.В.Козачек, 2005; Г.Г.Танасов, 2002), шахснинг ижтимоий мослашуви жараёнига таъсири хусусиятлари (Н.И.Зенцова, 2009; А.К.Акименко, 2008), шунингдек, макиавеллизм ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар (И.Н.Калуцкая, 2008), ушбу шахс сифатини ривожланиш даражасини аниқлашнинг психодиагностик асослари (В.В.Знаков, 2000; С.Л.Братченко, 1997), унинг шахс ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган индивидуал ва ижтимоий шарт-шароитлар (С.А.Богомаз, В.Ю.Гладких, 2005) атрофлича ўрганилган. Макиавеллизм педагог фаолиятда намоён бўлишининг айрим жиҳатлари кам сонли тадқиқотларда ўрганилган. Хусусан, Э.А.Щеглова томонидан педагогнинг мутахассис сифатида шаклланиши давомида макиавеллизм хусусиятининг ривожланиш динамикаси, унинг педагог хулқ-атворида

учрайдиган асосий шакллари ҳамда педагогик фаолиятнинг турли даражалари билан алоқаси тадқиқ этилган (Э.А. Щеглова, 2009). Бироқ педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик намоён бўлишининг психологик хусусиятлари бу жараёнга таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларни комплекс ўрганиш, бу соҳадаги деструктив ҳолатларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонлик психолог тадқиқотчилар томонидан ўқитувчи шахси, ўқитувчи-ўқувчи тизимидаги муносабатларнинг турли жиҳатлари атрофлича ўрганилган бўлишига қарамай (А.Ш.Эшметов, 2005; А.А.Закиров, 2002; Н.Ш.Азимов, 1996; А.А.Бекназаров, 1994; Б.Э.Утанов, 1993; Р.З.Гайнутдинов, 1992 ва б.), оз сонли диссертацион тадқиқотлар (Ш.Мустафаева, 2012), услубий ишларни (И.И.Махмудов, 2013) ва айрим аналитик мақолалар (П.С.Эргашев, 2004) ҳисобга олмаганда, макиавеллизм ва унга хос манипулятив хулқ-атворга педагог мойиллигининг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш юзасидан алоҳида изланишлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-126 рақами «Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганиш психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва коррекция қилишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

манипулятив хулқ-атворнинг ўзига хос шакли бўлган макиавеллизмнинг илмий-психологик моҳиятини ёритиш;

макиавеллизмга мойиллик шаклидаги манипулятив хулқ муаммосини тадқиқ этишда турли ижтимоий фанларда қўлланадиган ёндашувлар ўртасидаги фарқ моҳиятини аниқлаштириш;

шахс хусусияти ҳамда одамларга нисбатан муносабат услуби бўлган макиавеллизмнинг психологик тавсифини аниқлаштириш;

ўқитувчи иш стажи ва жинс хусусиятларини макиавеллизмга мойилликни детерминацияловчи омил сифатида ўрганиш;

макиавеллизмга мойилликнинг педагог индивидуал-психологик сифатларига боғлиқ равишда унинг шахсида юзага келиш қонуниятларини аниқлаш;

педагогларда деструктив шаклдаги манипулятив ёндашув сифатини коррекциялашнинг амалий имкониятларини таҳлил этиш;

педагог шахсида макиавеллизмга хос ёндашувларга мойиллик шаклланишининг олдини олиш, уни бартараф этиш учун ўқитувчилар билан амалга оширилиши мумкин бўлган психокоррекция ва ривожлантирувчи иш мазмунини ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Тошкент тумани ва Жиззах шаҳри умумий ўрта таълим мактабларининг 304 нафар ўқитувчилари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик намоён бўлишига ижтимоий-демографик, жинс ҳамда индивидуал-психологик омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: кузатиш методи макиавеллизмга хос хусусиятлар педагоглар ташқи хулқ-атворида намоён бўлиши аломатларини (В.Е.Сидоренко таклиф этган мезонлар бўйича) қайд этиш учун қўлланилади; сўров методи «Шахснинг макиавеллизмга мойиллик даражасини аниқлаш сўровномаси» (В.В.Знаков), «Шахс сифатидаги устувор ориентацияни аниқлаш сўровномаси» (А.Джонс, Р.Крэндол), «Ўқитувчининг педагогик фаолият ҳақидаги тасаввурларини текшириш методикаси» (муаллифлик ишланмаси) орқали ўқитувчиларда макиавеллизм сифатининг даражаси ва уларнинг индивидуал психологик хусусиятларини тадқиқ этиш учун хизмат қилади; математик-статистика методлари (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r_p корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) ёрдамида тадқиқотда қўлга киритилган миқдорий кўрсаткичлар қайта ишланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогик мулоқотда макиавеллизм аломатлари (қатъиятлилик, жасурлик, доминантликка интилиш, худбинлик, ҳиссий бифарқлик) намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи, бу жараённинг қонуниятларини белгилаб берувчи объектив (педагогик стаж, жинс билан боғлиқ) ва субъектив (шахс сифатида ўз имкониятлари рўёбга чиқариш эҳтиёжи, педагогик фаолият натижаларига установка билан боғлиқ) омиллари аниқланган;

шахсда макиавеллизм даражасини аниқлаш учун хизмат қилувчи методика (Machiavellianism Scale Mach-IV) миллий шароитда қўллаш учун зарур психометрия тадбирлари асосида мослаштирилган ҳамда қандай манипулятив таъсир усулларида фойдаланишга мойиллик мавжудлигини ташхис қилишга мўлжалланган психодиагностика воситаси таклиф этилган;

педагог мутахассиснинг касбий фаолиятни лойиҳалаш ва унда ўзини мониторинг қилишда қандай устувор йўналишга (дидактик ва психологик соҳа) йўналганлик даражасини аниқ миқдорий кўрсаткичларда фарқлашга ёрдам берувчи психодиагностика методикаси ишлаб чиқилган;

педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик психокоррекцияси ва психопрофилактикаси дастурий асоси сифатида хизмат қилувчи амалий машғулотлар учун услубий ишланмалардан иборат тренинг дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий шароитда педагоглар шахсида макиавеллизмга мойилликнинг даражасини бевосита ҳамда билвосита ишончли ташхис қилиш учун қўлланиши мумкин бўлган услубий воситалар амалиётда фойдаланиш учун тақдим этилган;

педагогнинг ўқувчилар билан муносабатда манипулятив таъсир учун хизмат қилувчи қандай услублардан фойдаланишга мойиллигини аниқлашга хизмат қилувчи номинатив шкала шаклидаги психологик диагностика методикаси тавсия қилинган;

ўқитувчининг педагогик меҳнат натижаларини қандай тушуниши, ўз

фаолияти махсули ҳақидаги тасаввурларида устуворлик қилувчи йўналишни аниқлашга ёрдам берувчи махсус методик восита таклиф этилган;

ўқитувчиларда педагогик фаолиятнинг психологик натижаларига нисбатан мўлжал олиш хусусиятини ривожлантириш орқали уларнинг шахсида макиавеллизмга мойилликни профилактика ва коррекция қилиш имконини берувчи амалий тренинг дастури илмий асосланган, амалиётда синовдан ўтказилган ҳамда педагог кадрлар, ижтимоий иш мутахассислари, амалиётчи-психологларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда маълумотлар халқаро миқёсда ўзининг ишончли эканини тасдиқлаган диагностика воситалари орқали тўплангани; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; натижалар педагог кадрлар, иштижойий иш мутахассислари, амалиётчи-психологлар бевосита фаолияти билан қиёсий ўрганиб борилгани; математик-статистика усуллари ёрдамида қайта ишлангани; билиш назарияси методологияси (детерминизм, тизимли ёндашув) талаблари асосида таҳлил этилгани; тадқиқот майдони сифатида турли ҳудудлардаги муассасалар танлангани; барча оралиқ натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар билан муҳокама қилингани билан таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик диагностикаси ва коррекцияси илмий-методик таъминотини педагогик мулоқотда макиавеллизм аломатлари намоён бўлишидаги ўзига хос хусусиятлари очиқ берилиши, шахсда макиавеллизм даражасини аниқлаш психодиагностик методикаси такомиллаштирилиши, макиавеллизмга мойилликнинг педагог шахсида намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар аниқлаштирилиши кабилар асосида бойитилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти макиавеллизмга мойилликка оид олинган натижалардан педагоглар билан шахсга йўналтирилган тренинг ва консултатив машғулотлар ўтказишда, касбий психологик диагностика ва танловни амалга оширишда, бўлғуси ўқитувчиларни амалий фаолиятга тайёрлашда, шунингдек касб-ҳунар ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида мутахассисликка кириш, педагогик психология, ижтимоий психология, педагогик маҳорат курслари бўйича ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик диагностикаси ва коррекциясининг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

педагогик мулоқотда аниқланган макиавеллизм аломатларининг намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар юзасидан илмий натижалар Психология ўқув-илмий марказида амалиётга жорий қилинган (ТДПУ Психология ўқув-илмий марказнинг 2018 йил 8 февралдаги 02-07-364/04-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг жорий қилиниши таълим тизимида фаолият олиб бораётган амалиётчи психологларга

психологик хизмат кўрсатишнинг назарий ва амалий-услубий сифатини ошириш имконини берган;

шахсда макиавеллизм даражасини аниқлаш учун хизмат қилувчи методика (Machiavellianism Scale Mach-IV) миллий шароитда қўллаш учун зарур психометрия тадбирлари асосида мослаштирилган ҳамда қандай манипулятив таъсир усулларидан фойдаланишга мойиллик мавжудлигини ташхис қилишга мўлжалланган психодиагностика воситаси Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ) фаолиятига жорий қилинган (РБИММнинг 2018 йил 31 январдаги 06/46-сон маълумотномаси). Натижада психолог-мутахассисларни махсус ёрдамга муҳтож болалар билан бевосита ишлашга йўллашдан аввал уларнинг индивидуал сифатларини аниқлаш чоратадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

педагог мутахассиснинг касбий фаолиятни лойиҳалаш ва унда ўзини мониторинг қилишда қандай устувор йўналишга (дидактик ва психологик соҳа) йўналганлик даражасини аниқ миқдорий кўрсаткичларда фарқлашга ёрдам берувчи психодиагностика методикаси Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ) фаолиятида қўлланилган (РБИММнинг 2018 йил 31 январдаги 06/46-сон маълумотномаси). Мазкур натижанинг жорий қилиниши амалиётчи психолог-мутахассисларнинг касбий салоҳияти ҳамда касбга психологик тайёрлик даражасини баҳолаш тизимини такомиллашти-риш имконини берган;

педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик психокоррекцияси ва психопрофилактикаси дастурий асоси сифатида хизмат қилувчи амалий машғулотлар учун услубий ишланмалардан иборат тренинг дастури Психология ўқув-илмий маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги тизимида жорий қилинган (ТДПУ Психология ўқув-илмий марказининг 2018 йил 8 февралдаги 02-07-364/04-сон ва Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 01-02/2-2-46-сон маълумотномалари). Мазкур тренинг дастурининг жорий қилиниши амалий машқ ва топшириқларнинг самарали тизим асосида умумтаълим мактаблари педагоглари ҳамда таълим тизими амалий психологлари курсининг тингловчилари билан ўтказиладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишлари сифатини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацион тадқиқотнинг натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Манипулятив хулқ-атвор психологик тадқиқот предмети сифатида**» деб номланган биринчи боби хориж психологларининг (Э.Аронсон, Э.Р.Пратканис, Т.В.Корнилова, И.А.Чигринова, А.К.Акименко, О.В.Макаренко, С.А.Богомаз, И.Н.Калуцкая, О.В.Каракулова, Л.И.Рюмшина, Н.И.Зенцова, М.С.Егорова, Г.Г.Танасов, В.С.Беденко, О.В.Казачек, А.О.Руслина, Д.Б.Катунин, А.Д.Ларина, Л.Н.Симунов, А.В.Бедненко, Е.Е.Богданова, Э.А.Щеглова ва б.) илмий тадқиқотлари таҳлили орқали макиавеллизм намоён бўлишининг индивидуал-психологик, ёш ва жинсга оид ҳамда касбий мансублик билан боғлиқ хусусиятларини ўрганиш соҳасида тўпланган тажриба баёнига бағишланади. Бу ерда келтирилган маълумотлар асосида макиавеллизм айрим ҳолатларда шахс хусусияти, баъзида ўзига хос шахс типи, яна баъзи бир ўринларда хулқ-атвор стратегияси сифатида тавсифланиши, уни илмий-психологик муаммо сифатида ўрганиш бўйича шаклланган турли йўналишларнинг ҳар бирида ўзига хос алоҳида илмий анъаналар ва тажриба тўплангани, шунингдек, макиавеллизм шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг кенг доираси билан мураккаб алоқадорликда экани, шу билан бирга унинг ривожланишида ёш динамикаси, жинс ва касбга оид хусусиятлар кузатилиши ҳақида хулосалар чиқарилди.

Диссертациянинг «**Педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар**» деб номланган иккинчи боби макиавеллизмга мойиллик психодиагностикаси учун тадқиқотда қўлланган Макшкала методикасининг психометрик сифатлари ва уни янгича миллий-маданий муҳитга мослаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар мазмуни ҳамда натижалари келтирилади. Ушбу бобнинг асосий қисми умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари мисолида педагог шахсида макиавеллизмга мойиллик унинг иш стажи, жинси ҳамда ўз шахсий салоҳиятини рўёбга чиқариш эҳтиёжини қондира олаётганлик даражасига боғлиқ равишда қандай намоён бўлишини эмпирик текшириш натижалари баёни ва талқинига бағишланади.

Мазкур бобда келтирилган натижалардан шу нарса аниқландики, умумий равишда, ўқитувчининг иш стажи ва жинси асосида унинг макиавеллизмга нисбатан мойиллигини бир ёклама дифференциациялаб бўлмайди. Бошқача айтганда, макиавеллизмга бўлган мойиллик ҳақида ўқитувчининг педагогик стажи ёки унинг жинсий мансублиги асосида хулоса чиқаришнинг имкони йўқ (макиавеллизмга мойиллик даражаси бўйича педагоглар деярли бир-бирига тенг нисбатда тақсимланади). Шунга кўра,

катта ёки кичик педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилар, эркак ёки аёл ўқитувчилар макиавеллизмга кўпроқ ёки камроқ мойиллиги юзасидан мулоҳаза юритиш, ушбу шартли гуруҳларга мансуб кимдадир манипуляция усулларида фойдаланишга ихтиёр бериш даражаси юқори ёки паст бўлишини башорат қилиш мумкин эмас.

Олинган натижалар, ҳақиқатан ҳам, педагогик стаж ва биологик жинсга мансубликка кўра, фарқланувчи умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари шахсида макиавеллизмга мойиллик даражасида эътиборга лойиқ тафовутлар қайд этилмаслигини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Педагогик стаж ва биологик жинс бўйича фарқланувчи ўқитувчиларнинг макиавеллизмга мойиллик кўрсаткичларидаги тафовутнинг статистик аҳамияти (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

| № | Статистик кўрсаткичлар | Мустақил ўзгарувчилар | | | |
|---|------------------------|--|---|--------------------------|------------------------|
| | | Педагогик стаж | | Биологик жинс | |
| | | Мустақил ўзгарувчилар бўйича фарқланувчи шартли гуруҳлар | | | |
| | | 1-5 йил стажли ўқитувчилар (n=51) | 10 йилдан ортиқ стажли ўқитувчилар (n=43) | эркак ўқитувчилар (n=36) | аёл ўқитувчилар (n=58) |
| 1 | M | 87,6 | 91,2 | 93,5 | 89,8 |
| 2 | σ | 1,86 | | 2,43 | |
| 3 | t | 1,68 | | 1,74 | |
| 4 | $t_m (p \leq 0,05)$ | 1,98 | | 1,98 | |

Бироқ кейинги психодиагностик текширувларимиз натижалари ўқитувчилар макиавеллизмга мойилликнинг умумий даражаси бўйича бир-биридан кескин фарқланмаса ҳам, манипулятив таъсир учун одатда танланадиган усул, техникалар борасида стаж ва жинс билан боғлиқ аҳамиятли тафовутлар мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал). Хусусан, педагогик стажи нисбатан кичик (1-5 йил) макиавеллизмга мойил ўқитувчилар педагогик мулоқотда ўқувчига манипулятив таъсир учун фазовий жойлашувни ўзгартириш («Яқин масофадан туриб мулоқотга киришаман»), нутқий фаолликка ўзгариш киритиш («Сухбат суръатини бирдан ошираман ёки аксинча сусайтираман») ҳамда раҳмдиллик ҳиссиётини уйғотиш («Шахсий имкониятларим чегараланганини намоён этиб ёрдам беришга ундайман») усулларида фойдаланишининг частотаси нисбатан юқори.

Бошқача айтганда, педагогик стажи нисбатан кичик, макиавеллизмга мойиллиги кучли ўқитувчилар ўқувчилар билан мулоқотда манипулятив таъсирни асосан проксемик восита, яъни сухбатдошгача бўлган фазовий масофани кичрайтириш, паралингвистик восита, яъни нутқ ритми, темпини ўзгартириш, шунингдек, шахсий ожизликни бўрттириб намоиш этиш хусусиятини ўзида юқори баҳолаши аниқланди.

**Манипулятив таъсир усулларига ихтиёр беришда макиавеллизмга
мойил ўқитувчи стаж ва жинси билан боғлиқ тафовутлар
(Стъудентнинг t-мезони бўйича)**

| № | Шартли гуруҳлар ва статистик фарқ ифодалари | Статистик мезонлар | Манипулятив таъсир усуллари | | | | | | |
|---|---|--------------------|-----------------------------|-----------------------------|---------------------|----------------------------|---------------------------|-----------------------|----------------------|
| | | | Шахсий майдонни бузиш | Сухбат суръатини ўзгартириш | Кинояли ҳазил қилиш | Содда шантаждан фойдаланиш | Содда ёлғондан фойдаланиш | Ожизликни намоён этиш | Содда шубҳа билдириш |
| 1 | 1-5 йил стажли ўқитувчилар | M ₁ | 9,7 | 10,4 | 6,7 | 7,2 | 5,9 | 11,6 | 8,1 |
| 2 | 10 йилдан ортиқ стажли ўқитувчилар | M ₂ | 6,3 | 7,9 | 9,9 | 10,3 | 9,2 | 7,4 | 9,8 |
| 3 | Статистик фарқ ифодаси | t | 2,8** | 2,1* | 2,3* | 2,5* | 3,2* | 3,1** | 1,9* |
| 4 | Эркак ўқитувчилар | M ₁ | 10,2 | 7,1 | 8,8 | 10,9 | 7,4 | 6,8 | 5,1 |
| 5 | Аёл ўқитувчилар | M ₂ | 6,7 | 11,3 | 5,9 | 7,2 | 11,6 | 11,1 | 5,7 |
| 6 | Статистик фарқ ифодаси | t | 3,2** | 3,4** | 2,1* | 2,3* | 3,2** | 3,4** | 2,5* |


Изоҳ: * $p \leq 0,05$ даражадаги статистик аҳамият; ** $p \leq 0,01$ даражадаги статистик аҳамият; $p \geq 0,05$ даражадаги статистик аҳамият.

Педагогик стаж нисбатан катта бўлган макиавеллизмга мойил ўқитувчиларда ўқувчининг шахсий имкониятлари чекланганидан ҳайратланишни ифодалаш даражаси («Наҳотки, бу сенинг кўлингдан келмаса» каби фикрларни айтиш)дан ташқари, шунчаки лўқма ташлаш, гап орасида хиёл тегиниб кетишдек бўлиб кўринадиган мулоҳазалар билан ўқувчини руҳий тобеликда ушлаб туриш («Бирор нарсага кўндириш учун ҳазил-мутойиба орасида эски хатолар, айбларни эсга олиш»), субъектив жиҳатдан конструктив деб қабул қилинаётган мақсадда ёлғондан фойдаланиш («Тўғри йўлга солиш учун яхшиликка хизмат қилувчи ёлғондан фойдаланиш»)га ихтиёр бериш борасида кичик стажли ўқитувчилардан аҳамиятли даражада тафовут аниқланди.

Шунингдек, тадқиқотимиз натижаларига кўра (1-расм), проксемика, кинояли ҳазил ва содда шантажга асосланган таъсир усулларига кўпроқ эркак ўқитувчилар мурожаат этадилар. Аёл ўқитувчилар эса сухбат суръатини бирдан ўзгартириш, ёлғондан яхши мақсадда фойдаланиш, қандайдир масалаларда шахсий ожизликни очик намоён этиш каби манипулятив таъсир техникаларини қўллаш ҳолатларини ўзларида эркак ўқитувчиларга нисбатан юқорилик баҳолайдилар.

Умуман, бу йўналишдаги тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, макиавеллизмга бўлган мойилликнинг кучи, кўлами даражасига кўра турли педагогик стажга эга, ҳар хил жинсга мансуб ўқитувчиларнинг кўрсат-

кичларида аҳамиятли тафовутлар кузатилмай, улар ўртасидаги статистик аҳамиятли фарқ кўпроқ манипулятив таъсир усулларида фойдаланишга нисбатан танланма муносабатда ифодаланади.



Изоҳ: 1-шахсий майдонни бузиш; 2-суҳбат суръатини ўзгартириш; 3-кинояли ҳазил қилиш; 4-содда шантаждан фойдаланиш; 5-содда ёлғондан фойдаланиш; 6-ожишликни намоён этиш; 7-содда шубҳа билдириш.

1-расм. Манипулятив таъсир усулларида ихтиёр беришнинг макиавеллизмга мойил ўқитувчи жинси билан боғлиқлиги кўрсаткичлари (ўртача қийматлар асосида).

Тадқиқот вазифаларига асосланиб, эмпирик изланишларимизнинг алоҳида йўналиши ўқитувчи шахсида ўзини ўзи конструктив руҳда тўлақонли рўёбга чиқариш эҳтиёжининг қондирилиш даражасига боғлиқ тарзда макиавеллистик хулқ-атворга мойиллик намоён бўлиш эҳтиёмлини текширишга йўналтирилди. Бу йўналишдаги тадқиқот натижалари узил кесил равишда ўз салоҳиятини намоён этиш эҳтиёжини ҳис этиш даражасигача шахс сифатида ривожланган одамда макиавеллист хулқ-атворида хос ҳаракатлар умуман кузатилмаслигини таъкидлаш учун ҳам ва аксинча, макиавеллизмга мойил одамлар орасида ўзини рўёбга чиқариш эҳтиёжини нисбатан мукамал қондира олаётганлар бўлиши мумкин эмас, деб хулоса чиқариш учун ҳам асос йўқлигини кўрсатди.

Макиавеллизмга мойиллик ва шахсий салоҳиятни намоён этиш эҳтиёжини ҳис этиш, уни қондиришда эътиборли натижаларга эришганликнинг умумий даражаси ўртасида бир ёқлама аниқ алоқадорлик аниқланмаганига қарамай, бундай боғланишлар кучи алоҳида факторлар бўйича текширилганда аҳамиятли эканлиги қайд этилди (3-жадвал). Жумладан, одамнинг ўзига муносабатини ифодаловчи сўровнома бандлари юзасидан респондентлар тўплаган қийматлар уларнинг Макшкала бўйича натижалари билан статистик аҳамиятли даражада экани аниқланди ($r_p=0,41$; $p \leq 0,05$).

Аниқланган алоқадорлик мусбат ишорага эга бўлиб, шахснинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш эҳтиёжини қондириши оқибатида ўзига

нисбатан муносабати ўзгариши билан унинг макиавеллизмга мойиллик даражаси ортиши кутилади.

3-жадвал

Шахс сифатидаги ориентациянинг турли йўналишлари ва макиавеллизмга мойилликнинг ўзаро алоқадорлик кўрсаткичлари (К.Пирсон корреляция коэффиценти асосида)

| Психологик ўзгарувчи | Шахс устувор ориентациясининг соҳалари | |
|-------------------------|--|---------------------------|
| | ўз-ўзига муносабат | бошқа одамларга муносабат |
| Макиавеллизмга мойиллик | 0,41* | -0,73** |

Изоҳ: * $p \leq 0,05$ даражадаги статистик аҳамият; ** $p \leq 0,01$ даражадаги статистик аҳамият.

Шахс ўзини ўзи мукамал рўёбга чиқаришга қанчалик эриша олаётгани ва унинг макиавеллизмга бўлган мойиллиги ўртасида бошқаларга муносабат соҳасида тадқиқотимизда манфий алоқадорлик аниқланди ($r_p = -0,73$; $p \leq 0,01$).

Алоҳида эътиборга лойиқ ҳолатлардан бири шундаки, макиавеллизмга мойиллик ва бошқаларга нисбатан одам намоён этувчи муносабат хусусиятлари, бунда унинг қандай қарашларга таяниши ўртасидаги алоқа-боғланиш даражаси шахсининг ўзига муносабати билан боғланишидан кўра юқори эканлиги кузатилди.

Умумий равишда, ўқитувчида ўзини ўзи шахс сифатида тўлақонли намоён эта олиш эҳтиёжи етилгани, энг муҳими, уни қондириш имконияти топилмаётгани барибир бошқаларга макиавеллизм позицияси нуқтаи назаридан қараш хавфига тўсқинлик қилувчи даражада фаоллаштирувчи йўналишдан кўра кучлироқ таъсир кўрсатиши тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Макиавеллизмга мойилликнинг педагог шахсида психологик коррекциялаш имкониятлари**» деб номланган учинчи бобида педагог шахсида макиавелизмга мойилликни коррекция қилиш учун турли муаллифлар таклиф этаётган услубий ёндашувлар ва воситалар таҳлили ҳамда ушбу мақсадда ишлаб чиқилган муаллифлик мазмунидаги ишланманинг асосланиши, унинг апробацияси натижалари ва самарадорлиги таҳлили келтирилади.



Мазкур йўналишдаги таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, турли муаллифлар (В.А.Кан-Калик, Н.И.Шелихова, Н.В.Самоукина ва б.) педагоглар билан ўтказишни тавсия қилаётган амалий машғулотларнинг катта қисми уларда, аввало, педагогик мулоқот кўникмаларини, мулоқотчанлик сифатини, эмоционал ҳамда ижтимоий интеллектни, умуман, ўқитувчининг шахслараро муносабатлардаги компетентлигини ошириш мақсадини кўзлайди. Мазкур тадқиқотимизда, ушбу ёндашувнинг устун жиҳатлари билан бирга унга хос методик воситаларни педагогларда макиавеллизмга мойилликни коррекция қилиш ишида қўллашни қийинлаштирувчи ҳолатлар кўрсатиб берилди ҳамда бу мақсадда амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлган муаллифлик ишланмаси сифатида оригинал психотренинг машғулотлари ишлаб чиқилди.

Педагоглар шахсида макиавеллизмга мойиллик даражасини коррекция қилиш имкониятларини аниқлаш бўйича тадқиқотимизда дастлаб ўқитувчи-

ларнинг касбий фаолият натижаларига бўлган муносабати ҳамда макиавеллизмга мойиллик кўрсаткичлари ўртасидаги алоқадорлик текширилди. Бу йўналишдаги психодиагностик текширув натижасига кўра, макиавеллизмга мойиллик даражаси нисбатан юқори ва паст ўқитувчилар аниқланиб, улар орасидаги педагогик фаолиятнинг дидактик ҳамда психологик натижаларига мўлжал олишга йўналган педагоглар миқдорида ҳам муайян тафовутлар мавжуд (2-расм).

Макиавеллизмга мойиллик даражаси нисбатан юқори педагоглар гуруҳи (n=32)

Макиавеллизмга мойиллик даражаси нисбатан паст педагоглар гуруҳи (n=27)



- педагогик фаолиятнинг дидактик натижаларига мўлжал олиш устунлиги билан тавсифланувчи ўқитувчилар миқдори
- педагогик фаолиятнинг психологик натижаларига мўлжал олиш устунлиги билан тавсифланувчи ўқитувчилар миқдори

2-расм. Макиавеллизмга мойиллик даражаси бўйича фарқланувчи ўқитувчилар гуруҳларида педагогик фаолият натижаларига мўлжал олиш кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Фоиз кўрсаткичлари даражасидаёқ шахслараро муносабатлар жараёнида макиавеллизмга хос хулқ-атвори намоён этишга мойиллиги билан ажралиб турувчи педагогларнинг нисбатан катта қисми (63 %) педагогик фаолиятнинг дидактик натижаларига, айниқса, эътиборли эканлиги билан тавсифланади. Аксинча, макиавеллизм шкаласи бўйича нисбатан паст кўрсаткичга эга ўқитувчиларнинг орасида бундай тоифа педагоглар нисбий озчиликни ташкил этиб (29 %) уларнинг кўпчилиги (71 %) ўз меҳнат фаолиятининг психологик натижаларига эътиборли эканлиги билан ажралиб туради.

Умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг макиавеллизмга мойиллик ва педагогик фаолият натижаларига кадр-қимматли муносабат кўрсаткичлари ўртасида маълум ички боғланишлар мавжудлиги статистик ўлчовларнинг нисбатан юқорироқ даражаси, яъни корреляцион боғланишлар даражасида ҳам аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўқитувчиларнинг макиавеллизмга мойиллик даражаси ва педагогик фаолият натижаларига мўлжал олиш йўналиши ўртасидаги алоқадорлик (К.Пирсоннинг r_p корреляция коэффиценти асосида)

